

ANJUMAN | КОНФЕРЕНЦИЯ | CONFERENCES

O'ZBEKISTONDA ILMIY TADQIQOTLAR:

DAVRIY ANJUMANLAR

DAVRIYLIGI: 2018 | 2022

ISAAC NYUTON
(1643-1727)



2022

APREL

№39



CONFERENCES.UZ

Toshkent shahar, Amir
Temur ko'chasi, pr.1, 2-uy.

+998 97 420 88 81

+998 94 404 00 00

www.tadqiqot.uz

www.conferences.uz



**ЎЗБЕКИСТОНДА МИЛЛИЙ
ТАДҚИҚОТЛАР: ДАВРИЙ
АНЖУМАНЛАР:
23-ҚИСМ**

**НАЦИОНАЛЬНЫЕ ИССЛЕДОВАНИЯ
УЗБЕКИСТАНА: СЕРИЯ
КОНФЕРЕНЦИЙ:
ЧАСТЬ-23**

**NATIONAL RESEARCHES OF
UZBEKISTAN: CONFERENCES
SERIES:
PART-23**

ТОШКЕНТ-2022



УУК 001 (062)
КБК 72я43

“Ўзбекистонда миллий тадқиқотлар: Даврий анжуманлар:” [Тошкент; 2022]

“Ўзбекистонда миллий тадқиқотлар: Даврий анжуманлар:” мавзусидаги республика 39-қўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари тўплами, 30 апрель 2022 йил. - Тошкент: «Tadqiqot», 2022. - 11 б.

Ушбу Республика-илмий онлайн даврий анжуманлар Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган вазифа - илмий изланиш ютуқларини амалиётга жорий этиш йўли билан фан соҳаларини ривожлантиришга бағишланган.

Ушбу Республика илмий анжуманлари таълим соҳасида меҳнат қилиб келаётган профессор - ўқитувчи ва талаба-ўқувчилар томонидан тайёрланган илмий тезислар киритилган бўлиб, унда таълим тизимида илғор замонавий ютуқлар, натижалар, муаммолар, ечимини кутаётган вазифалар ва илм-фан тараққиётининг истиқболдаги режалари таҳтил қилинган конференцияси.

Масъул муҳаррир: Файзиев Шохруд Фармонович, ю.ф.д., доцент.

1. Ҳуқуқий тадқиқотлар йўналиши

Профессор в.б., ю.ф.н. Юсувалиева Рахима (Жахон иқтисодиёти ва дипломатия университети)

2. Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар

Доцент Норматова Дилдора Эсоналиевна (Фарғона давлат университети)

3. Тарих саҳифаларидаги изланишлар

Исмаилов Ҳусанбой Маҳаммадқосим ўғли (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси)

4. Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни

Доцент Уринбоев Хошимжон Бунатович (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

5. Давлат бошқаруви

Доцент Шакирова Шоҳида Юсуповна (Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги ҳузуридаги ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти)

6. Журналистика

Тошбоева Барнохон Одилжоновна (Андижон давлат университети)

7. Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар

Самигова Умида Ҳамидуллаевна (Тошкент вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)



8.Адабиёт

PhD Абдумажидова Дилдора Рахматуллаевна (Тошкент Молия институти)

9.Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни

Phd Вохидова Мехри Хасанова (Тошкент давлат шарқшунослик институти)

10.Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар

Турсунназарова Эльвира Тахировна (Навоий вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)

11.Жисмоний тарбия ва спорт

Усмонова Дилфузахон Иброхимовна (Жисмоний тарбия ва спорт университети)

12.Маданият ва санъат соҳаларини ривожлантириш

Тоштемиров Отабек Абидович (Фарғона политехника институти)

13.Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши

Бобохонов Олтибой Рахмонович (Сурхандарё вилояти техника филиали)

14.Тасвирий санъат ва дизайн

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

15.Муסיқа ва ҳаёт

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

16.Техника ва технология соҳасидаги инновациялар

Доцент Нормирзаев Абдуқайом Раҳимбердиевич (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

17.Физика-математика фанлари ютуқлари

Доцент Соҳадалиев Абдурашид Мамадалиевич (Наманган муҳандислик-технология институти)

18.Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар

Т.ф.д., доцент Маматова Нодира Мухтаровна (Тошкент давлат стоматология институти)

19.Фармацевтика

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

20.Ветеринария

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

21.Кимё фанлари ютуқлари

Рахмонова Доно Қаххоровна (Навоий вилояти табиий фанлар методисти)



22.Биология ва экология соҳасидаги инновациялар

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

23.Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари

Доцент Сувонов Боймурод Ўралович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

24.Геология-минерология соҳасидаги инновациялар

Phd доцент Қаҳҳоров Ўктам Абдурахимович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

25.География

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

Тўпламга киритилган тезислардаги маълумотларнинг ҳаққонийлиги ва иқтибосларнинг тўғрилигига муаллифлар масъулдир.

© Муаллифлар жамоаси

© Tadqiqot.uz

PageMaker\Верстка\Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

АГРОПРОЦЕССИНГ РИВОЖЛАНИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

**1. Якубов Мирджамил Мирзиятович, Рўзимуродов Мусурмон Дўсмурод ўғли
КИВИ (AKTINIDIA DELICIOSA) ЎСИМЛИГИНИ ЕТИШТИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС
ХУСУСИЯТЛАРИ 7**



АГРОПРОЦЕССИНГ РИВОЖЛАНИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

КИВИ (*AKTINIDIA DELICIOSA*) ЎСИМЛИГИНИ ЕТИШТИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Якубов Мирджамил Мирзиятович

Академик М.Мирзаев номидаги боғдорчилик,
узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти
қ.х.ф.н., катта илмий ходим.
Телефон: +99893 572-58-71

Рўзимуродов Мусурмон Дўсмурод ўғли

Академик М.Мирзаев номидаги боғдорчилик,
узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот
институти таянч докторанти.
Телефон: +99897 316-40-66

Аннотация: Мақолада киви ўсимлигининг морфологик ва биологик хусусиятлари, навлари, тупроқ иқлим шароити, шакл бериш, маълумотлар келтириб ўтилди.

Киви (*Aktinidia deliciosa*) ўсимлигининг Хайвард навини искана пайванд қилиш 3 муддатда олиб борилди. Биринчи 15 февраль куни пайвандланган муддатда пайвандуст тутиш даражаси 69% ни ташкил қилди. Иккинчи муддат 15 март куни пайвандланган курта-кларнинг тутиши даражаси 82% ни ёки биринчи пайвандлаш муддатига нисбатан 13% га кўп бўлганлиги кузатилди. Учинчи муддат 15 апрель куни пайвандланган намунада энг кам кўрсаткичга эга бўлди. Бу кўрсаткич биринчи пайвандлаш муддатига нисбатан 18% га кам бўлганлиги кузатилди. Пайвандлаш муддатлари бўйича вариация коэффиценти кам ($V=6,9\%$) коэффиценти катта бўлиб, ўртача квадрат оғиши $X=7,5\pm 3,1$ ни ташкил қилди. Киви (*A.deliciosa*) ўсимлигининг Хайвард навини искана пайванд усулида сифатли кўчатлар етиштириш имконияти яратилди.

Калит сўзлар: Киви, *Aktinidia deliciosa*, Хайвард нави, искана пайванд, муддат.

Кириш. Мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги тизимида “Цитрус, субтропик ва тропик ўсимликларни етиштириш ва экспорт қилиш” ни ривожлантириш ва унинг юқори сифатли кўчат етиштирувчи плантацияларини барпо этиш ва кенгайтириш бўйича қатор чора - тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил

19 февраль ПҚ-4610 сонли қарорида “Цитрус, субтропик ва тропик ўсимликларни етиштириш” тармоғини янада ривожлантириш илмий – тадқиқот қўламини кенгайтириш, илғор ва замонавий ресурс тежовчи технологияларни қўллаш асосида юқори сифатли саноатбоп ва экспортбоп цитрус, субтропик ва тропик ўсимликларни етиштириш ҳажмини ошириш, давлат томонидан қўллаб - қувватлаш механизмларини кенг жорий этиш вазифалардан бири сифатида алоҳида белгилаб қўйилган. [1]

Бугунги кунда киви меваси жаҳон савдосининг энг замонавий позицияларидан бири бўлиб, дунёдаги киви истеъмоли тез суръатлар билан ўсиб бормоқда. EAST Fruit тадқиқотига кўра, охириги 5 йил (2015-2019) учун ўртача киви жаҳон савдоси йилига 7% ёки 217,9 АҚШ млн доллоридан ошди. Шундай қилиб, киви меваси глобал савдо ўсиш суръати голубинка, авокадо, гилос, малина ва манго турлари каби жаҳон базорида олдинги ўринни эгалламоқда. Дунё бўйича 4 038,8 минг тонна киви мевасини етиштирилмоқда. Ҳар йили Хитой 2 024,6 минг тонна ёки 50,1 %, Италия 541,1 минг тонна ёки 13,4%, Янги Зеландия 411,3 тонна ёки 10,2% киви мевалар етиштирилмоқда. [2].

Шуни такидлаш керак-ки, жаҳонда киви учун қизиқиш нафақат ишлаб чиқарувчилар, балки истеъмолчилар орасида ҳам ўсиб бормоқда.

Ўзбекистонга киви импорти тез суръатлар билан ўсиб бормоқда, EAST Fruit маълумотида кўра 2019 йили 707 минг АҚШ доллорлик ёки бошқа давлатларга нисбатан 300% га



кўп киви импорт қилинган. Ҳажм бўйича кичик кўрсаткич бўлса ҳам, лекин жаҳон бўйича киви импорт бўйича етакчи ўринни эгалламоқда.[5].

Мева ва резавор –мева ўсимликлари кўп асрлар давомида турли экологик шароитда ўсиб, мослашиш органлари ва хусусиятларини ҳосил қилган, ҳар хил габитусдаги ер устки ва ер остки тизимларини яратган ҳамда уларни наслдан-наслга ўтказган [6, 7].

Тадқиқот услубияти. Тадқиқотларимиз “Мевали, резавор ва ёнғокли навларни ўрганиш усуллари ва дастурлари” ҳамда “Мева экинлари селекцияси ва навшунослик” усуллари ёрдамида амалга оширилди [3, 4].

Киви (*A.deliciosa*) ўсимлиги шундай қимматли, шифобахш ва импорт ўрнини босувчи ўсимликлардан биридир. Киви (*A.deliciosa*) ўсимлигининг Ўзбекистонда янги мева тури бўлиб, уни етиштираётган хавоскор боғбонлар томорқаларида кўплаб учратиш мумкин. Бу борада киви (*A.deliciosa*) ўсимлигини морфо-биологик ва ҳўжалик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, сертификатланган ва қафолатган цитрус, субтропик ва тропик ўсимликларни кўчатларини етиштиришни таъминловчи технологияларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш илмий – тадқиқот ишлар кўламини кенгайтириш муҳим аҳамиятга эгадир.

Тадқиқот натижалари ва таҳлили. Киви (*A.deliciosa*) кучли ўсувчи ўтсимон лиана ўсимлиги бўлиб, унинг новдалари бир неча метрга етади. Барглари овалсимон ёки юраксимон шаклда, майин тукли бўлади. Ўсимлик икки уйли, яъни оталик ва оналик алоҳида туплари мавжуд. Оталик ва оналик тупларида гуллари бир-биридан фарқ қилиб, оталик ўсимлиги гуллаган ҳолда мева тугмайди фақат чанглатувчи сифатида фойдаланилади, киви мевалари фақат оналик ўсимликда тугилади. Бунда, унутмаслик керак, ҳар битта оталик-чангловчи ўсимлик учун бештадан оналик-чангланувчи ўсимлик экиш керак. Одатда, гуллаш май ойида бошланади ва 2 ҳафтагача давом этади. Гуллар оқ, оддий, кичик, бир нечтадан бўлиб тўпланган. Мевалари бахмал пўстлоқли ёки майин туклар билан қопланган, мева эти ёқимли яшил рангда. Куз фаслининг ўрталарида пишиб етилади.

Киви (*A.deliciosa*) нинг навларини танлаш хилма-хиллиги билан ажралиб туради. Улар мева шакли, вазни, пишиб етилиш даври, гуллаш тури билан фарқланади. Оммабоп навларга қуйидагилар қиради:

Хайвард – ўрта мавсумда пишиб, йирик мевали нав (оналик гулли), жуда ширин мевали.

Соло — ўзини чанглатувчи ўзига хос нав бўлиб, йирик мевалари (90 г гача) сентябрь ойининг охиригача етилади.

Генрих – ўз-ўзини чанглатувчи совуққа чидамли нав бўлиб, мевалари октябрь ойининг бошларида пишиб етилади.

Малбек – оталик ўсимлиги чанглатувчи ҳисобланади, овал зумрад барглари туфайли мавсум давомида манзарали кўринади.

Мистер Майк – йирик мевали (100 г гача) гулларнинг оналик турига эга эртапишар нав.

Банафия – гуллашнинг оталик турига эга совуққа чидамли нав.

Колхидский – тахминан 80 грам оғирликдаги жуда ширин мевали, совуққа чидамлиги билан ажралиб туради, ўрта мавсумда пишади.

Аббот – майда (60 г гача) меваларга эга, кечпишар нав, енгил ўсиш ва ёқимли таъми билан ажралиб туради.

Бемоль – ажойиб хушбўй, мазали мевалар билан ўз-ўзидан чангланадиган йирик мевали, ўрта мавсум нави.

Бруно – меваларининг таъми уйғун, кечпишар йирик мевали нав.

Монти – ўрта катталиқдаги мевалар (тахминан 60 гр) тугиб, ўрта мавсумда пишади, совуққа чидамли ҳисобланади. Мевалари ясси-овал, майин тукли, мазали, хушбўй.

Киви етиштиришнинг хусусиятлари. Ўсимлик учун қуёшли, очик жойлар афзал, муҳими ўсимликни мустаҳкам таянчга ўтказиш керак. Бу сўрилар, девор, беседка ва бошқа қурилмалар бўлиши мумкин. Киви учун яхши қумоқ, енгил, бироз нордонлиги Ph 4-5 бўлган тупроқлар афзалдир. Лойли тупроқларга экишда албатта қумли аралаш ва унудор чириндига бой тупроқ аралаштирилиши муҳим. Кучли ўсувчи киви лианалари етарли даражадаги озуқа моддаларига муҳтож бўлиб, мавсум давомида 2-3 марта маҳаллий ва маъданли ўғитлардан бериш мақсадга мувофиқ. Ўсимлик нисбатан намлиги юқори тупроқларда яхши ўсиб-ривожланади. Илдизлари попуқ бўлиб, тупроқ юзасига яқин жойлашганидан ўсимликни мунтазам суғориш юқори ҳосил олишнинг гаровидир. Шу билан бирга тупроқ юза қатламини қуриб қолишини олдини олиш учун ўсимликларни жойлаш-



ган ерларни мульчалаш керак. Киви шох ва новдаларини кесиш мунтазам равишда амалга оширилиши керак. Агарда ўсимликларни буташ ва новдаларни қирқишни амалга оширилмаса ёки сифатли қилинса, унда ўсимликлар тезда ўсиб кетади ва бетартиб кўринишга эга бўлиб қолади. Ўсимликларга шакл берувчи кесиш токка шакл бериш каби ўтказилади. Етиштиришнинг ўзига хос хусусияти, бу баҳорда ўсимликда кучли шарбат ҳаракати кузатилади. Шикастланган новдалар намиқиб қолади ва ўсимликни заифлаштиради. Шунинг учун кивига ёзда (июнь ойидан) ёки кузда шакл берилади. Кўпгина навлар совуқликка чидамли бўлади. Бироқ, ёш кўчатларни тўқилмаган материал билан қоплаш ёки тупроқ билан енгилгина кўмиш тавсия этилади. Вояга етган ўсимликлар ўрашга муҳтож эмас, аммо куртаклар таянчдан чиқарилиб ерга босилади.

Киви (Актинидия) нинг танлашда муайян экологик шароитга чидамли бўлиши керак. Пайвандтаглар маълум экологик шароитда ўстирилади, бу шароит уларнинг ирсий белгиларининг шаклланишига таъсир қилади. Шунинг учун кўчатини етиштиришда махсус тупроқ ва иқлим шароитига ва ҳудудлар кесимига тўғри келадиган тур ва навлар пайвандтагларини танланиши зарур. Пайвандтагларни алоҳида табиий ҳудудларга қараб жойлаштириш лозим. Буларга амал қилинмаса, кўчатзордаги кўчатлар қалин ёки сийрак бўлиб қолади ва боғда кўчатларнинг ҳар хил ривожланишига сабаб бўлади.

Пайвандуст билан пайвандтагнинг яхши бирикиб тутиб кетиши уларнинг туташishi яъни аффинитети ботаник жиҳатдан яқинлигига боғлиқ. Ботаник жиҳатдан пайванд қилинган баъзан уларнинг тутиб кетишига пайванд қилинаётган компонент (симбиот) лар ҳужайралари протоплазмасининг биокимёвий ва физиологик фарқи, тўқималарнинг анатомик-морфологик тузилиши, пайвандтаг ва пайвандуст танасининг йўғонлигига қараб ҳар хил ўсиши, пайвандлаш муддатлари, най системаларининг туташмаслиги тўсқинлиги бор деган фикрлар бор. Бунинг натижасида пайвандтаг билан пайвандустнинг бир-бирига мос келмаслиги кўчатларнинг паст сифатли бўлишига, майдондаги кўчатларнинг камайишига, ҳамда ҳосилдорликнинг пасайишига олиб келади.

Маълумки, пайванд қилинган киви навлари куртакларининг тутиб кетишига қатор экологик омиллар таъсири кўрсатади. Киви ўсимлигининг эрта ҳосилга кириши ва юқори сифатли ҳамда муттасил ҳосил олинишини таъминлаш учун пайвандлаш муддатлари танлаш зарур. Шунинг учун пайвандлаш муддатини ўрганиш мақсад қилиб қўйдик. Илк маратоба киви ўсимлигини пайвандлаш муддатлари ўрганилмокда.

Киви ўсимлигини пайвандлашда искана пайвандлаш усулида бажарилса мақсадга мувофиқ бўлади. Бу усулда пайванд қилиш пайвандтаг ўз ўкига нисбатан кўндалангига кесилади. Қаламчани пайвандтаг ёриғига тиқиб қўяётганида тирқиш боғ пичоғининг учи ёки қаттиқ ёғочдан ясалган пона билан икки томонга шундай кесиб қўйиладик, қаламча унинг орасига бемалол кирадиган ҳамда пайвандтаг билан пайвандустнинг камбий қатламлари бир-бирига тўғри келадиган бўлиши керак.

Киви хайварт навини искана пайванд қилиш 3 муддатда олиб борилди. Биринчи 15 февраль куни пайвандланган муддатда пайвандуст тутиш даражаси 69% ни ташкил қилди. Иккинчи муддат 15 март куни пайвандланган куртакларнинг тутиши даражаси 82% ни ёки биринчи пайвандлаш муддатига нисбатан 13% га кўп бўлганлиги кузатилди. Учинчи муддат 15 апрель куни пайвандланган намунада энг кам кўрсаткичга эга бўлди. Бу кўрсаткич биринчи пайвандлаш муддатига нисбатан 18% га кам бўлганлиги кузатилди. Пайвандлаш муддатлари бўйича вариация коэффиценти кам ($V=6,9\%$) коэффиценти катта бўлиб, ўртача квадрат оғиши $X = 7,5 \pm 3,1$ ни ташкил қилди.

Биринчи пайвандлаш муддатида пайвандустнинг баландлиги 94 см ни ташкил қилди. Бунда иккинчи пайвандлаш муддатида биринчи пайвандлаш муддатига нисбатан 15 см га кам бўлганлиги кузатилди.

Фойданилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон республикаси Президентининг ПҚ-4610 сонли қарори.
2. Останақулов Т.Э., Нарзиева С.Х. “Мева экинлари ер остки ва ер устки қисмларининг ўсиш қонуниятлари”. Мевачилик асослари. Тошкент 2010 625-39.
3. Буриев Х., Байметов К., Жураев Р. / “Мева экинлари селекцияси ва навшунослик”. Тошкент. -Мехнат 2001й.



4. “Программа и методика сортоизучения плодовых, ягодных и орехоплодных культур” / Рос. акад. с.-х. наук. Всерос. науч.-исслед. ин-т селекции плодовых культур; [Под общ. ред. Е. Н. Седова и Т. П. Огольцовой]. - Орел : ВНИИСПК, 1999. - 606 с. : ил., табл.; 21 см.; ISBN 5-900705-15-3.

5. “Программа и методика сортеизучения плодовых, ягодных и орехоплодных культур” Орел Изд-во Всероссийского научно исследовательского института селекции плодовых культур. 1999г. С.267-269.

6. <https://east-fruit.com/uz/meva-sabzavot-biznesi/intervyu-uz/ozbekistonda-kivietishtirishning>

7. https://agro-market.net/news/gardening/kak_vyrastit_kivi_v_sadu

ЎЗБЕКИСТОНДА МИЛЛИЙ ТАДКИКОТЛАР: ДАВРИЙ АНЖУМАНЛАР: 23-ҚИСМ

Масъул муҳаррир: Файзиев Шохруд Фармонович
Мусахҳиҳ: Файзиев Фаррух Фармонович
Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Эълон қилиш муддати: 30.04.2022

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000